

# Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг гидравлик ва электрик тизимларини ўқитиш учун дастурий маҳсулот харид қилиш бўйича конкурс

**Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг гидравлик ва электрик тизимларини ўқитиш учун дастурий маҳсулот харид қилиш бўйича конкурс**

**Ташкилот/Институт/Компания:** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

**Лойиҳа номи:** Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигига муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш

**Лойиҳа ID:** AIF 2/16

## **ТРАКТОРЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ МАШИНАЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ВА ЭЛЕКТРИК ТИЗИМЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ**

ТИҚХММИ Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида Академик инновациялар фондининг “Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигига муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга ошироқда ва лойиҳа маблағларининг маълум бир қисми таълим жараёнида фойдаланиладиган дастурний маҳсулот ва электрон ресурслар харид қилиш учун сарфланиши режалаштирилган.

ТИҚХММИ ваколатли ташкилотлар/компанияларни қуидаги дастурний маҳсулотни етказиб бериш бўйича конкурсада қатнашиш учун қизиқишлигини билдиришга таклиф қиласди:

<b>Номи</b>	<b>Вазифаси, имкониятлари</b>
Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари гидравлик ва электрик тизимларини ўқитишда фойдаланиладиган дастур	Дастур таълим бериш учун мўлжалланган ва ундан «Тракторлар ва транспорт воситалари», «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари», «Тракторлар ва мелиорация машиналари гидравлик тизимлари» курсларида лаборатория амалий машғулотларни ўтказиша фойдаланилади (дарслар 10-12 талабадан иборат кичик гуруҳларда ўтказилади). Дастур ёрдамида гидравлик ва электрик тизимларнинг вертуал схемаларини қуриш ва улар ишини ўлчов воситалари (мультиметр, осциллограф, гидравлик тестер, термометр ва бошқалар) дан фойдаланиб симуляция қилиш/моделлаштириш мумкин; эксплуатация жараёнида пайдо бўладиган носозликларни бартараф қилиш кўнікмаларини ҳосил қилиш учун вертуал тизимда муаммоли ҳолатлар юзага келтириш ва уларни фаоллаштириш имконияти мавжуд.

Товарларни харид қилиш Жаҳон банки Қўлланмалари: ХТТБ кредитлари ва Жаҳон банки қарздорлари томонидан ХТА кредитлари ва грантлари бўйича товарлар, ишлар ва номоддий хизматлар харид қилиш (2011 январда қабул қилинган), 2014 йил июл ойида қайта кўриб чиқилган (Харидлар бўйича қўлланма) қоидаларига мувофиқ амалга оширилади ва конкурсада ваколатли мамлакатларнинг ҳар қандай иштирокчилари иштирок этиши мумкин.

Қизиқиш билдирадиган ташкилотлар / компанииялар қўйида келтирилган электрон почта орқали қўшимча маълумотлар (дастурий маҳсулотга талаблар (спецификация), дастурни етказиб бериш шартлари ва бошқалар) олиши мумкин. Таклифларни шакллантириш ва етказиб бериш муддати 2021 йил 23 апрелгача, 14 кун.

Тижорат таклифлари таклиф берилган кундан бошлаб 90 кун давомида амал қилиши керак. Конкурсда қатнашадиган хорижий иштирокчилар дастурни Тошкентга етказиб бериш харажатларини ҳам эътиборга олишлари керак.

**Манзил:** К.Ниязов кўчаси 39, Тошкент, 100000 Ўзбекистон

**Телефон:** +998 71 237 2534

**Электрон почта:** [aif-agr-eng@tiame.uz](mailto:aif-agr-eng@tiame.uz)